

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси аппарати

Хўжалик фаолияти бошқармаси

Автохўжалиги директори в.в.б,

Харид комиссиясининг раиси



*Г.Исмаилов* Г.Исмаилов

« 2 » 12. 2022 йил

М.ў.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати Хўжалик фаолияти бошқармаси Автохўжалиг автомобилларига эҳтиёт қисмларини етказиб берувчи ташкилотни аниқлаш бўйича

## ЭЛЕКТРОН ТАНЛАШ ҲУЖЖАТИ

Тошкент-2022 йил

## МУНДАРИЖА

- I Боб. Қатнашчига кўрсатма
- II Боб. Электрон Танлашнинг таклиф шакллари
- III Боб. Етказиб бериладиган маҳсулотларга техник талаблар
- IV Боб. Тижорат қисми
- V Боб. Шартнома намунаси

# **Ї БОБ. ҚАТНАШЧИГА КЎРСАТМА**

## **А. Умумий маълумот**

Электрон Танлаш предмети  
Мазкур танлаш ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар  
Танлаш комиссиясининг вазифалари  
Техник ва тижорат таклифларини баҳолаш гуруҳининг вазифалари  
Қатнашчиға танлашда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари  
Танлаш доирасида ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлаш

## **Б. Электрон Танлаш ҳужжатлари**

Танлаш ҳужжатининг таркиби  
Танлаш ҳужжатларига аниқлик киритиш  
Танлаш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

## **В. Электрон Танлаш ҳужжатларини тайёрланиши**

Танлашда қатнашиш харажатлари  
Танлашда қўлланиладиган тил  
Танлаш таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар  
Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш  
Муқобил таклифлар  
Танлаш таклифини расмийлаштириш ва имзолаш

## **Г. Танлаш таклифининг топширилиши ва очилиши**

Танлаш таклифларини муҳрлаш ва Электрон таклифларни белгилаш  
Танлаш таклифларини юборишнинг охириги муддати  
Танлаш таклифларининг кўриб чиқилиши

## **Д. Танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш тартиби**

Танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш  
Таклифларнинг мос келмаслиги

## **Е. Шартномани расмийлаштириш**

Шартномани расмийлаштириш  
Тўлов шартлари  
Шартномани имзолаш

## А. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

### 1. Электрон Танлаш предмети

Танлаш комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ва Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 684, 22.04.2021 й.)га асосан амалга оширади.

### Электрон Танлашни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари қуйидагилар:

Танлашни ўтказиш очик турда бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Хўжалик фаолияти бошқармаси Автохўжалигининг ҳаражатлар сметасида бюджетдан ажратилган маблағлар ҳисобидан 2022 йил давомида Автохўжалик автомобилларига эҳтиёт қисмларини етказиб берувчи ташкилотни аниқлаш.

### Тўпламлар сони: 1 ой ( декабр) давомида

Хизматларнинг максимал нархи: 302 348 750,00 сўм.

Танлашга қўйилган товарнинг (хизматнинг, ишнинг) нархи қўшимча қиймат солиғи билан (агар “Етказиб берувчи” ҚҚС тўловчиси ҳисобланса).

Танлаш ҳужжатларининг тижорат қисмида жойлашган талабларига биноан бажарилиши лозим.

Хизмат кўрсатиш муддати: 1 ой.

### 2. Мазкур танлаш ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар

Бюджет маблағлари ҳисобидан 2022 йил декабр ойлари давомида Автохўжалик автомобилларига эҳтиёт қисмларини етказиб бериш бўйича Танлаш ўтказишдан мақсад – мазкур Танлаш ҳужжатлари талаблари асосида етказиб берувчи ташкилотни аниқлаш.

Танлаш ўтказиш тартиби – бир босқичли.

**Буюртмачи** – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати Хўжалик фаолияти бошқармаси Автохўжалиги;

Манзили: 100000, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Ш.Рашидов проспекти 11

Танлашни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс – Товар моддий бойликлари бўйича Моддий техник таъминлаш бўлими бошлиғи Азизов Нодирбек Улуғбек ўғли;

Тел.: (71) 239-47-89.

### 3. Танлаш комиссиясининг вазифалари:

- танлаш ўтказиш тартиб-қоидаларини белгилайди;
- белгиланган тартибда танлашни ўтказди;
- танлаш талабгорларига тааллуқли барча ҳужжатларни тақдим қилиш, муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- танлаш бўйича келиб тушган таклифларни кўриб чиқиш санасини белгилаш;
- таклифлар билдирилган Электрон таклифларни очади, уларнинг танлаш ҳужжатлари билан белгиланган талабларга (тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги, уларнинг расмийлаштирилиши ва ҳоказо) мувофиқлигини текширади;
- талабгорлар томонидан тақдим этилган таклифларини кўриб чиқишда нархларнинг сунъий равишда оширилишини олдини олиш ва холисликка ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш;
- зарур ҳолларда комиссия фаолиятига мутахассис ходимлар жалб этилишини назарда тутиш;
- ҳолиб деб топилган талабгорлар билан шартнома имзолаш бўйича таклиф беради.

**Электрон Танлашнинг ташкилотчиси** - Ишчи гуруҳ. Унинг вазифасига қуйидагилар киради:

- танлаш ҳужжатлари ишлаб чиқирилишини таъминлайди ва уларни ўрнатилган тартибда талабгорларга тақдим этади;

- танлаш ўтказилиши тўғрисида республика товар хом ашё биржасининг

<https://etender.uzex.uz> порталида эълон беради;

- танлаш таклифларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилишини таъминлайди.

#### **4. Техник ва тижорат таклифларни баҳолашда танлаш комиссиясининг вазифалари:**

- танлаш комиссиясининг ҳар бир аъзоси ўзининг шахсий электрон **e.imzo** калити орқали, танлашнинг техник таклифларини ўрганади, таҳлил қилади ва кўриб чиқади;

-энг яхши техник таклифни аниқлайди;

-қатнашчиларнинг танлашга тақдим этилган молиявий ҳужжатларини ва нарх таклифларини ўрганади, таҳлил қилади ва кўриб чиқади;

-энг яхши танлаш таклифини ва ғолибни аниқлайди ҳамда қарор қабул қилади.

**Қатнашчи** - мулкчилик шаклидан қатъий назар, танлаш талабларида кўрсатилган товарларни етказиб бериш ва хизматларни кўрсатиш бўйича тажрибага эга бўлган ташкилотлар.

**Қатнашчи:**

- тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади;

- фақат битта таклифни тақдим этиш ҳуқуқига эга;

- тақдим этилган таклифни тақдим этиш муддати тугамагунча қайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга.

#### **5. Қатнашчига электрон танлашда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари**

Танлаш таклифларини электрон холда тайёрлайди ва танлаш комиссиясига тақдим этади. Уларнинг фаолиятини ва молиявий ҳолатини баҳолаш учун зарур бўлган қўшимча ахборотни тақдим этади (Танлаш комиссиясининг сўровига кўра).

5.1. Танлаш қатнашчиларини малакали танлаши Танлаш комиссияси томонидан амалга оширилади.

Танлаш қатнашчилари қуйидаги ҳужжатлар ёрдамида малакали танланади:

- корхона ва ташкилотларининг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишлилиги тўғрисида маълумотнома;

- талабгор банкрот ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

- талабгорнинг тугатилиш ёки қайта ташкил этилиш жараёнида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

-юримдик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нусхаси;

- тегишли ваколатли орган томонидан берилган танлаш талабларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нусхаси;

- давлат солиқ инспекцияси ва талабгор ўртасида бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги мажбуриятлар бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома;

- Етказиб берувчи банк томонидан талабгорнинг ҳисоб рақамларида картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома асли.

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш босқичига тақдим этиш учун берилган ҳар бир маълумотномада талабгорнинг СТИРи кўрсатилган бўлиши ва танлаш эълон қилингандан сўнг олинган бўлиши шарт.

5.2. Малакали танлашдан ўтган қатнашчи ўз таклифини танлаш комиссиясига ташкилот муҳри ва раҳбарининг имзоси билан тасдиқланган **йўлланма хат** билан электрон тақдим қилган бўлишлари керак. Йўлланма хатда талабгор номи ҳамда иштирок этаётган лот рақами кўрсатилган бўлиб электрон жойлаштрилади, электрон жойлаштриш учун қуйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:

- қатнашчининг ташкилий шакли (1-шакл);

- қатнашчи тўғрисида умумий маълумот (2-шакл);

- қатнашчининг тажрибалари тўғрисида маълумот (3-шакл);

- молиявий аҳволи (4-шакл);

- етказиб бериш учун моддий ресурсларнинг мавжудлиги (5-шакл);

- таклиф қилинаётган маҳсулот тури бўйича аввал фаолият юритган ёки фаолият юритаётган давлат юқори турувчи (ёки шартноманинг умумий суммаси 40 млн.дан ортиқ) ташкилотлар билан тузилган шартномалар ҳақида маълумот (6-шакл);

- маҳсулотнинг ва хизматнинг техник тавсиф жадвали (7-шакл);

- 2021 йил молиявий ҳисобот (ҳисобхона баланси ва молиявий натижалар) нусхаси;

- маҳсулотни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш жадвали асли (8-шакл);

5.3. Қатнашчи танлаш таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни ўз ҳисобидан қоплайди.

5.4. Танлашда ғолиб чиққан тақдирда буюртмачи билан шартнома тузади.

**Танлаш ғолиби** – таклифларни баҳолаш якунлари бўйича танлашда энг кўп балл тўплаган танлаш қатнашчиси.

**Захирадаги қатнашчи** – танлаш ғолибидан кейинги ўринда турган кўп балл тўплаган қатнашчи.

5.5. Танлашга қуйидаги қатнашчилар қўйилмайди:

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлмаган;

- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эга бўлмаган;

- тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган;

- фаолияти суд ёки ҳакамлик судида муҳокамада кўриб чиқиляётган;

- инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида бўлган;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар олдида қарздорлиги мавжуд бўлган;

- имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ва/ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган ҳудудларда рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлган;

- аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган;

- тегишли тижорат ва молиявий кўрсаткичлар бўйича Комиссия талабларига жавоб бермаганда, улар тўғрисида тегишли қарор қабул қилинади.

Буюртмачи қуйидаги ҳолларда иштирокчини харид тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради, агар:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита мижознинг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органининг ҳар қандай шаклда маблағ, иш таклифини ёки бошқа ҳар қандай қимматбаҳо буюмларни ёки хизматларни таклиф қилиши, бериши ёки беришга рози бўлганлиги - ёки харидорнинг давлат харидлари жараёнида ҳаракатлари юзасидан қарор қабул қилиши ёки ҳар қандай рақобат тартибини қўллаши;

- иштирокчи қонунга хилоф равишда адолатсиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.

## **6. Электрон Танлаш доирасида ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлаш**

6.1. Тушган таклифларнинг кўриб чиқиши, уларнинг танлаш комиссияси аъзолари томонидан баҳоланиши тўғрисидаги ахборот махфий ҳисобланади ҳамда танлаш тартиб-қоидасига расман алоқадор бўлмаган шахсларга маълум қилинмайди. Танлаш комиссиясининг ҳар бир аъзоси шахсий электрон калити орқали таклифларни кўриб чиқади ва мазкур ахборот ошкор қилинганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

## **Б. ЭЛЕКТРОН ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ**

### **7. Электрон Танлаш ҳужжатининг таркиби**

7.1. Электрон Танлаш қатнашчиси унга берилган танлаш ҳужжатини ва шу билан бирга барча кўрсатмалар, шакллар, шартлар ва техник тафсилотларни тўлиқ ўрганиб чиқиши шарт.

7.2. Электрон Танлаш ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган барча талаб қилинган маълумотларни бермаслик ёки таклифнинг танлаш ҳужжатлари талабларига тўлиқ тўғри келмаслиги, таклифнинг қабул қилинмаслигига олиб келади.

### **8. Электрон Танлаш ҳужжатларига аниқлик киритиш**

8.1. Хужжатларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар Қатнашчи танлаш хужжатларига қандайдир аниқлик киритиш учун танлаш комиссиясига ёзма равишда муурожаат қилишлари мумкин:

8.2. Танлаш комиссияси талабгорнинг сўровига кўра Электрон Танлаш таклифларини тақдим этишнинг сўнгги муддатидан камида 3 кун олдин сўров манбасини кўрсатмаган ҳолда танлашнинг барча қатнашчиларига мажбурий тартибда жавоб юбориб, танлаш хужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлиқ саволга ёзма жавоб бериши шарт.

## **9. Электрон Танлаш хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш**

9.1. Таклифларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар камида 3 кун олдин танлаш комиссиясининг комиссия қарорига мувофиқ талабгорларга маълум қилиб, таклифга тузатиш киритиш учун етарли бўлган вақт берган ҳолда, унинг муддатини узайтириб, танлаш хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ҳақлидир.

## **В. ЭЛЕКТРОН ТАНЛАШ ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАНИШИ**

### **10. Электрон Танлашда қатнашиш харажатлари**

10.1. Танлашда иштирок этиш ва танлаш хужжатини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар қатнашчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

10.2. Нарх таклифида кўрсатилган нарх танлаш таклифи нархи ҳисобланади.

10.3. Танлаш таклифи нархи миллий валюта - сўмда тўланиши лозим.

10.4. Маҳсулот (хизмат, иш) нархи(таклиф)га барча харажатлар, яъни солиқ ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар киритилади.

10.5. Қатнашчи томонидан белгиланган нархлар маҳсулотни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятларини охирига етказилмагунга қадар ўзгартирилмайди (танлаш комиссиясининг нархларни тушириш бўйича музокаралар олиб бориш натижасида ўзгартиришлар киритилиши мумкин).

10.6. Нархларнинг ошишига қараб ўзгартириладиган нархларни кўзда тутувчи танлаш таклифлари исталган босқичда, танлаш талабларига жавоб бермайди деб қаралади ва танлаш комиссияси томонидан кўриб чиқилиши рад этилади.

### **11. Электрон танлашда қўлланиладиган тил**

11.1. Қатнашчилар томонидан берилаётган таклифлар, Буюртмачи ва қатнашчи ўртасидаги хатлар ва барча тегишли хужжатлар ўзбек тилида тайёрланади.

### **12. Электрон танлаш таклифини ташкил қилувчи хужжатлар**

12.1. Электрон танлаш таклифлари асл нусхаси сканер қилинган ҳолда, таклиф киритаётган ташкилотнинг бланкасида муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим. Танлаш комиссияси номини ва манзили кўрсатилган танлаш номи ва лот рақами кўрсатилган хужжатлар, йўлланма хат билан биргаликда қабул қилинади.

Маҳсулотни етказиб бериш жадвали, танлаш таклифлари, маҳсулот учун таклиф қилинаётган нарх кўрсатилади.

12.2. Танлаш комиссияси лозим бўлганда Танлаш қатнашчиларидан тақдим этилган Танлаш таклифларини тасдиқлаш учун қўшимча ёки бошқа маълумотларни талаб қилиши мумкин.

### **13. Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш**

13.1. Қатнашчи танлаш таклифини қатъий равишда мазкур танлаш хужжатининг II бобидаги шакллар асосида тақдим этиши лозим.

13.2. Танлаш таклифи шаклларидаги барча бўш графалар танлаш хужжатлари талаблари асосида тўлдирилиши зарур.

13.3. Қатнашчи таклиф этилаётган маҳсулот (хизмат) учун нарх таклифини танлаш таклифи шакли асосида тақдим этиши лозим.

### **14. Муқобил таклифлари**

14.1. Паст техник (функционал) кўрсаткичларга эга бўлган маҳсулот (хизмат) кўринишида берилган танлаш таклифлари кўриб чиқилмайди.

### **15. Электрон танлаш таклифларини расмийлаштириш ва электрон имзолаш**

15.1. Танлашда иштирок этиш учун қатнашчи танлаш ҳужжатларини электрон имзолаш ваколати бор бўлган ўзининг вакилини тайинлаши мумкин. Вакил томонидан электрон имзолаш учун қатнашчи ўз вакилига тегишли ишонч хати бериши лозим, ишонч хати ташкилотнинг ваколатга эга шахси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак.

Танлаш иштирокчиларининг таклифлари электрон ҳолда, рақамланган, муҳр қўйилган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ёки таклифларнинг ҳар бир варағи имзоланган, ўзгартириб бўлмайдиган ҳолда тақдим этиш тавсия этилади.

15.2. Берилган таклифларда ёзув қаторлари орасига қўшиб ёзиш учун жой ташланиши ёки ўчириш ҳолатлари мавжуд бўлса, бу таклиф ўз кучини йўқотади ва рад этилади.

15.3. Танлаш қатнашчисининг имзоланмаган ва муҳрланмаган электрон ҳужжатлари кўриб чиқилмайди ва Танлаш комиссияси томонидан рад этилади.

## **Г. ЭЛЕКТРОН ТАНЛАШ ТАКЛИФНИНГ ЮБОРИЛИШИ ВА КЎРИБ ЧИҚИЛИШИ**

### **16. Электрон танлаш таклифларини юбориш ва белгилаш**

16.1. Танлаш қатнашчиси электрон танлаш таклифларини мазкур танлаш ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилган ҳолда юбориши лозим.

16.2. Қатнашчининг электрон танлаш таклифи, танлаш кўриб чиқилгандан кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида ўз кучини сақлаб қолади.

16.3. Айрим ҳолларда электрон танлаш комиссияси электрон танлаш қатнашчисидан таклифнинг амалда бўлиш муддатини узайтиришни сўраши мумкин. Бу сўров ва жавоб хат (телеграмма) кўринишида расмийлаштирилади.

### **17. Электрон танлаш таклифларини юборишнинг охириги муддати**

17.1. Қатнашчиларнинг электрон танлаш таклифлари **etender.uzex.uz** электрон савдо платформасида эълон берилган кундан бошлаб 5 календарь кундан кечикмасдан танлаш комиссиясига электрон шаклда юборилади (**шанба, якшанба дам олиш куни этиб белгиланади**).

17.2. Электрон танлаш таклифларини юборишнинг охириги муддати ҳеч қандай шароитда кўчирилмайди (9.1-бандида эслатилган тасодифий ҳолатлардан ташқари).

17.3. Электрон танлаш таклифларини юборишнинг охириги муддатига 1 кун қолгунга қадар танлаш қатнашчиси ўз таклифларини қайтариб олиши ёки таклифга ўзгартириш киритиши мумкин.

17.4. Электрон танлаш қатнашчиси томонидан танлаш ҳужжатларида талаб этилган маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаслиги ёки мазкур танлаш ҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган таклифлар (шаклларнинг нотўғри тўлдирилиши, талаб қилинган ҳужжатларни тақдим этмаслик ва ҳ.к) кўриб чиқилмайди ва рад этилади.

### **18. Танлаш таклифларининг очилиши**

18.1. Буюртмачи номига юборилган электрон танлаш таклифлари беришнинг белгиланган муддати тамом бўлгач, белгиланган кундан 5 кундан кўп бўлмаган муддатда танлаш комиссияси электрон танлаш таклифларини кўриб чиқади.

18.2. Электрон таклиф очилгандан кейин танлаш қатнашчилари танлаш комиссияси томонидан эътироф этилган ташкилотлар санаб ўтилади, танлаш ҳужжатларининг талабларга мослиги ва шартларнинг тўлақонли бажарилиши текширилади.

18.3. Ҳужжатлар пакетида танлаш ҳужжатларига қўйиладиган талаблар бузилганлиги аниқланган тақдирда, ҳужжатлар уларнинг мазмуни эълон қилинмасдан қатнашчига қайтарилади.

18.4. Танлаш комиссияси мажлисининг натижалари баённома билан расмийлаштирилади. Баённомада танлаш қатнашчилари томонидан эътироф этилган ташкилотлар санаб ўтилади. Шакл бўйича тақдим этилмаган ва танлашга қўйилмаган

таклифлар, баённомада улар рад этилишининг сабаблари кўрсатилган ҳолда алоҳида санаб ўтилади.

18.5. Танлаш таклифлари билдирилган Электрон таклифларни очиш ва ғолибни аниқлаш тўғрисидаги баённома оммавий ахборот воситаларида эълон қилинмайди.

## **Д. ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ҒОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ**

### **19. Танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш**

19.1. Танлаш комиссияси танлаш таклифларини техник, ташкилий-молиявий ва тижорат жиҳатдан баҳолаш танлаш комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

19.2. Танлаш таклифларини баҳолаш икки босқичдан иборат:

- техник, ташкилий-молиявий;
- тижорат.

19.2.1. Танлаш таклифларини баҳолаш вақтида Танлаш комиссияси танлаш қатнашчисидан унинг танлаш таклифлари борасида тушунтиришлар беришини сўраши мумкин.

19.2.2. Қатнашчиларнинг тижорат таклифларини барча учун тенг шартлар асосида ўтказиш мақсадида уларнинг танлаш таклифларини баҳолашда, сифатли маҳсулот етказиб беришдан (хизмат кўрсатишдан, иш бажаришдан) иборат бўлган танлаш таклифлари бўйича қонунчилик асосида қўшимча қўшилган қиймат солиғи тўловчилари томонидан солиқ суммаси киритиб ҳисоб қилинади.

19.3. Баҳолар 1- 2 ва 3-жадвалларга асосланган ҳолдаги 4-жадвал умумлаштирувчи, яъни 200 баллик шкала бўйича қўйилади.

19.4. Танлаш таклифларини уларнинг техник амалга ошувчанлигига нисбатан баҳолаш Танлаш таклифларини техник ва ташкилий-молиявий баҳолаш мезонларга асосан амалга оширилади (1-жадвал).

19.5. 1, 2, 3, 4, 6, 7-шакллардан ёки 5.2 бандда кўрсатилган ҳужжатлардан бирортаси мавжуд бўлмаса Электрон таклиф очилмасдан қайтарилади.

19.6. Танлаш ҳужжатининг 5-шакли мавжуд бўлмаса, баҳоси нолга тенг деб топилади.

19.7. Танлаш қатнашчиларининг таклифларини молиявий баҳолаш, тижорат таклифларни баҳолаш мезони асосида аниқланади (3-жадвал).

19.8. Танлаш таклифларини қараб чиқиш муддати 5 кундан ошмайди.

19.9. Энг кўп балл тўплаган қатнашчи ғолиб деб ҳисобланади.

19.10. Танлаш ҳужжатларининг 8-шакллардан бири мавжуд бўлмаса, таклиф баҳоланмайди.

19.11. Яқун чиқариш ва танлашнинг ғолиби тўғрисидаги қарор танлаш комиссияси томонидан қабул қилинади. Ғолибни танлашда Танлаш комиссияси аъзоларининг яқка тартибдаги ҳулосасига асосланилади. Қарор танлаш комиссияси аъзолари умумий сонининг оддий, кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, Танлаш комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

19.12. Танлаш комиссияси танлаш ҳужжатлари шартларига мос келмайдиган ҳар қандай танлаш таклифларини қабул қилиш ёки рад этиш ҳуқуқини ўзида олиб қолади.

19.13. Танлаш комиссиясининг сўровларига жавоб бера олмайдиган қатнашчилар томонидан тақдим этилган (берилган) ҳар қандай тушунтиришлар кўриб чиқилмайди.

19.14. Танлаш комиссиясининг яқуний баённомасида ғолиб ва заҳирадаги қатнашчилар, танлаш комиссияси ҳулосаси, қатнашчиларнинг танлаш таклифлари йиғма жадвали ва ғолиб билан шартнома имзоланишнинг мўлжалланаётган муддатлари тўғрисидаги ахборот мавжуд бўлади.

Баённома йиғилишда иштирок этган аъзолар томонидан имзоланиши ва танлаш комиссияси раиси томонидан тасдиқланиши керак.

19.15. Танлаш ташкилотчиси танлаш ғолибига танлаш яқунлангандан кейин уч кундан кечикмай ёзма билдиришнома юборади ва яқунларини Республика товар-хом ашё биржасининг [www.xarid.uzex.uz](http://www.xarid.uzex.uz) махсус порталида эълон қилади.

## **20. Таклифларнинг мос келмаслиги**

20.1. Танлаш ҳужжатларини текшириш чоғида аниқланган арифметик хатолар мавжуд бўлган тақдирда танлаш комиссияси:

қатнашчига танлаш таклифига тузатиш киритиш имкониятини бериши;

таклифларни баҳолашда, товар (хизмат, иш) нархи билан бирлик нархи ва сонини кўпайтириш натижасида олинган якуний нарх ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, товар (хизмат, иш) нархи устунлик қиладиган, умумий нархга тузатиш киритиладиган қарор қабул қилиши мумкин. Агар сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) билан рақамда кўрсатилган сумма (нарх) ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, у ҳолда сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) устунлик қилади.

20.2. Агарда қатнашчи хатоларни тўғрилашдан бош тортса, унинг танлаш таклифи танлаш комиссиясининг қарори билан четлаштирилади.

20.3. Танлашда иштирок этиш учун қатнашчи ҳуқуқи бошқа юридик шахсга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

20.4. Танлаш қуйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади:

тегишли лот бўйича танлаш таклифларини тақдим этишнинг энг охириги муддатигача таклиф тушмаса ёки фақат битта таклиф тушса;

барча танлаш таклифлари танлаш ҳужжатларига қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлмаса;

барча танлаш таклифларида танлаш ҳужжатлари шартлари билан талаб қилинадиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса;

барча қатнашчиларнинг таклиф этган нархлари товарнинг бошланғич қийматидан анча юқори бўлса.

20.5 Танлашнинг бўлиб ўтмаган, деб эълон қилиниши танлаш қатнашчиларидан бирон-бирининг мулкӣ ёки бошқа жавобгарлигига олиб келмайди.

**Қатнашчининг техник ва ташкилий-молиявий тақлифини  
баҳолаш мезонлари**

№	Баҳолаш параметрларининг номланиши	Балл	
<b>I. Қатнашчиларнинг ташкилий шакли (4 балл)</b>			
1.	Корхонанинг ташкил этилганлиги	1 йилдан ортиқ	4
		1 йилдан кам	2
<b>II. Сўнги уч йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (кўрсатилган хизматлар) умумий суммаси (117 балл)</b>			
1.	7-шаклда келтирилган маҳсулотларнинг сифат даражаси. (Бу Буюртмачи томонидан ташкиллаштирилган комиссия аъзолари томонидан ўрганиб чиқилади, хар бир маҳсулот учун 0 баллдан 2 баллгача бериш орқали ҳисобланилади). Баллар ташкилот мутахассислари томонидан сифат даражасига қараб берилади.	112 баллгача	
2.	6-шаклда келтирилган маълумотлардаги шартномалар сони	5 донадан кам	5
		5 донадан кам	2
<b>III. Қатнашчиларнинг молиявий аҳволи (5 балл)</b>			
1.	Сўнги уч йил давомида молиявий фойдаси 300 млн. сўмдан	ортиқ	5
		Кам	3
<b>IV. Тақлиф қилинаётган маҳсулотни тайёрлаш учун моддий ресурсларнинг мавжудлиги хақида маълумот (14 балл)</b>			
1.	Омборда керакли хом ашёнинг жамланганлиги:	25 % дан кам	2
		25 % дан кўп	6
		50 % - 75% гача	10
		75% дан кўп	14

**Изоҳ:** Танлаш қатнашчиларининг баллари техник ва ташкилий-молиявий баҳолаш тақлифлари жадвалига киритилади (2-жадвал).

**Танлаш қатнашчиларининг техник ва ташкилий-молиявий тақлифларини баҳолаш  
жадвали**

№	Қатнашчиларнинг номланиши	I	II	III	IV	V	VI	Умумий балл
		Макс. балл	Макс. балл	Макс. балл	Макс. балл	Макс. балл	Макс. балл	Макс. балл
1								
2								
3								
4								

## Танлаш қатнашчисининг тижорат таклифларини баҳолаш мезони

№	Номлар бўйича баҳоланиш	Баллар			
		Умумий балл			
Танлаш (тендер) қатнашчилари					
I. Таклиф қилинган нарх ( 60 балли)					
1.	Қатнашчи таклиф қилган энг кам нарх	60			
2.	Қатнашчи таклиф қилган энг кўп нарх	30			
3.	Таклиф қилинган энг кўп ва энг кам нархларга кўшимча аниқлик киритиш баллари	30-60			
II. Иккинчи таклиф бўйича баллар йиғиндиси (40 балли)		60			

Қатнашчининг тўплаган балли 4- жадвалга асосан умумлаштирилади

## УМУМИЙ БАҲОЛАШ ЖАДВАЛИ

№ \_\_\_\_\_ лот бўйича танлаш/Танлаш қатнашчиларининг таклифлари

№	Қатнашчининг номланиши	Нарх бўйича иккинчи Электрон таклиф балли	Биринчи Электрон таклифнинг балли	Умумий балл
		Макс. 60 балл	Макс. 140 балл	Макс. 200 балл
1				
2				
3				

Изох: Танлаш савдоларида қатнашчилар таклифларини битта Электрон таклифда тақдим этади.

## **1. Танлаш**

### **Е. ШАРТНОМАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

#### **21. Шартномани расмийлаштириш**

21.1. Буюртмачи ва танлаш ғолиблари ўртасидаги шартнома танлаш ғолиблари тўғрисида республика товар-хон ашё биржасининг **etender.uzex.uz** махсус порталида эълон қилинган кундан бошлаб уч кун муддат ичида тузилади.

21.2. Агар Танлаш ғолиби шартнома тузишни рад этса ёки белгиланган муддатда шартномани бажариш учун кафолат бермаса, у ҳолда Буюртмачи танлаш комиссияси қарорига мувофиқ кейинги энг кўп баллга эга бўлган захирадаги қатнашчини танлаш ғолиби деб эътироф этиши ёки такрорий танлаш ўтказишни тайинлаши мумкин.

#### **22. Шартномани имзолаш**

22.1. Ғолиб қатнашчи 3 (уч) кун муддат ичида Буюртмачи билан шартнома имзолаши шарт.

22.2. Ғолиб деб топилган қатнашчи шартномани бажариш кафолатини муддатда бера олмаса кейинги энг кўп балл тўплаган захирадаги қатнашчи билан шартнома имзоланади.

23.3. Танлаш ғолиби миқдор, сифат ҳамда техник кўрсаткичлари бўйича шартнома талабларини бажармаса қонун доирасида (ёки шартнома талабларига асосан) жавобгарликка тортилади.

## **II БОБ. Танлаш таклиф шакллари**

№ \_\_\_\_\_-лот

**Танлаш қатнашчисининг ташкилий тузилмаси**

Танлаш қатнашчисининг ташкиллаштириш бўйича ишлаб чиқариш тузилмасини тақдим этинг: майдони, **товар етказиб бериш** (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) бўйича ташкилий тузилмаси, манзили ва мулкчилик шакли (хусусий ёки ижарага олинган) кўрсатилган ҳолда.

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛАШ САВДОСИ  
ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУҲРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

№ \_\_\_\_\_ -лот

**Қатнашчининг фирма бланкасида**

№ \_\_\_\_\_ ва \_\_\_\_\_ сана

**Қатнашчи тўғрисида умумий маълумот шакли**

Танлаш савдолари иштирокчисининг номи: \_\_\_\_\_

Манзили ва телефон рақами: \_\_\_\_\_

Факс: \_\_\_\_\_

Юридик мақоми: \_\_\_\_\_

Ташкил этилган жойи ва санаси: \_\_\_\_\_

Фаолият турлари бўйича ихтисослашуви: \_\_\_\_\_

Офиси жойлашган жойи ва Ўзбекистондаги филиаллари: \_\_\_\_\_

Доимий ва вақтинчалик ишловчи ходимлари умумий сони, жумладан:

Доимий ишловчи ходимлар (жами): \_\_\_\_\_

Вақтинчалик ишловчи ходимлар (жами): \_\_\_\_\_

Камида 5 йиллик иш тажрибасига эга бўлган ходимлар сони, жумладан:

Доимий ишловчи ходимлар: \_\_\_\_\_

Вақтинчалик ишловчи ходимлар: \_\_\_\_\_

Танлаш қатнашчиси корхонасининг ташкилий тузилмаси, жумладан:

- корхонанинг ташкилий тузилмаси [филиаллари, ҳудудий бўлинмалари, ишлаб чиқариш майдонлари ва бошқа шахобчалари]

- ишлаб чиқариш жойлари мавжудлиги (жами м<sup>2</sup>) [хусусий ёки ижара];- омборхона жойлари мавжудлиги (жами м<sup>2</sup>) [хусусий ёки ижара];

- ишлаб чиқариш ускуналари

№	Техникаси номи	Сони	Ишлаб чиқарилган санаси	Сотиб олинган сана
---	----------------	------	-------------------------	--------------------

Қатнашчи номи: **[Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг]**Таклифга имзо чекувчи лавозими: **[Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатинг]**Имзо: **[Юқорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]**Ушбу таклиф **[Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг]** кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.Сана: **[таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг]****ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛАШ САВДОСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУҲРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.**

№ \_\_\_\_\_-лот

**Қатнашчининг тажрибалари тўғрисида маълумот**

Танлашга қўйилган маҳсулотларга (хизматларга, ишларга) ўхшаш маҳсулотларни (хизматларни, ишларни) охириги 3 йил давомида ишлаб чиқариши (сотиш, хизмат кўрсатиш, ишларни бажариш) тўғрисида маълумот

(минг. сўм)

№	Маҳсулот (хизмат) номи	Шартнома суммаси	Маҳсулот (хизмат) тури	Буюртмачи
1.				
2.				

Иштирокчи номи: [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг]

Таклифга имзо чекувчи лавозими: [Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатинг]

Имзо: [Юқорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]

Ушбу таклиф [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг] кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Сана: [таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг]

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛАШ САВДОСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУХРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

№ \_\_\_\_\_ -ЛОТ

**Танлаш қатнашчисининг молиявий аҳволи**  
(сўнги 3 йиллик бухгалтерлик балансини нусхаси 1- ва 2-шакл)

Танлаш қатнашчисининг номи:

(минг. сўмда)

АКТИВ				ПАССИВ			
Узоқ муддатли активлар				Умумий воситалар захираси			
Асосий воситалар				Низом капитали			
Ишлаб чиқариш фондлари шунинг ичида				Бўлинмаган кирим			
Қолдиқ нарх				Мажбуриятлар			
Капитал маблағлари				Қарзлар			
Тугалланмаган ишлаб-чиқариш				Кредитор қарздорлик			
Шу кундаги активлар				Вақти тугалланган қарздорлик			
Айланма маблағлар				Бюджет маблағлари ҳисобидан қарздорлик			
Шулардан ишлаб чиқариш захираси				Иш ҳақи тўлови бўйича қарздорлик.			
Дебитор қарздорлиги							
Вақти тугалланган қарздорлик							
Умумий баланс бўйича				Умумий пассив баланс бўйича			

**МОЛИЯВИЙ НАТИЖА (минг. сўмда)**

Номланиши				Номланиши			
1. Ишлаб чиқарилган товарлар бўйича фойда				8. Соф фойда			
2. Ишлаб чиқарилган молларнинг соф фойдаси				Асосий фаолиятдан фойда			
3. Ишлаб чиқарилган молларнинг таннархи					Умум хўжалик фаолиятдан		
4. Мамурий харажатлар				9. Асосий фаолият даромади			
5. Бошқа сарф-харажатлар				10. Умум хўжалик фаолият даромади			
6. Солиқ солинмаган ҳолдаги фойда				11. Чиким			
7. Даромад солиғи					Асосий фаолиятдаги чиким		
				Умум хўжалик фаолиятидаги чиким			

Баланс

бўйича

фойда

3 йил ичида солиқ тўламаслиги ёки банкротлик масалалари бўйича судланмаганлиги

Раҳбар \_\_\_\_\_

Бош ҳисобчи \_\_\_\_\_

Сана: « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 й.

М.П.

**Изоҳ:** Ишчи орган танлашга кўйиладиган ўхшаш махсулотларни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш, ишларни бажариш) тўғрисида маълумотларни сўраганда, улар маълумот учун қабул қилинади ва баҳоланмайди.

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛАШ САВДОСИ  
ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУҲРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

№ \_\_\_\_\_ -лот

**Таклиф қилинаётган хизматларни кўрсатиш (ишларни бажариш) учун моддий ресурсларнинг мавжудлиги ҳақида маълумот**

Танлаш қатнашчисининг номи:

Жойлашган жой:

Омборхонанинг жойлашган жойи:

т/р	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Сони
1.			
2.			
3.			
4.			
5.			
6.			

Изоҳ:

Қатнашчи номи: [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг]

Таклифга имзо чекувчининг лавозими: [Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатинг]

Имзо: [Юқорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]

Ушбу таклиф [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг] кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Сана: [таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг]

Етказиб берувчи ташкилотларнинг иш фаолияти олиб борган ташкилотлари рўйхати.

Бу ерга давлат ташкилотлари билан 40 млн дан ортиқ суммага тузилган шартномалар киритилади.

№	Ташкилотлар номи	Хизмат йўналиши	Шартноманинг умумий суммаси	Иш фаолияти тўғрисида тавсиянома (бор/йўқ)

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛАШ САВДОСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУХРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

7-шакл

№ \_\_\_\_\_ -ЛОТ

## Маҳсулотнинг техник тавсиф жадвали

Иштирокчи: \_\_\_\_\_

№	Товарлар (хизматлар, ишлар)	Техник топширик талабларини бажариш учун маҳсулот номи	Маркаси	Ишлаб чиқарилган давлати
1	2	3	4	5
<i>Танлаш ном ва Лот рақами</i>				
1				
2				

Қатнашчи номи: [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг]

Таклифга имзо чекувчининг лавозими: [Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатинг]

Имзо: [Юқорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]

Ушбу таклиф [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг] кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Сана: [таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг]

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛАШ САВДОСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУҲРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

**Маҳсулотни етказиб бериш, хизмат кўрсатиш**

Маҳсулотларни етказиб бериш, хизмат кўрсатиш Харидор ва Маҳсулот етказиб берувчи ўртасидаги шартнома имзолангандан кейин бошланиши зарур.

Етказиб бериш (бажариш) муддатидан кечикиб етказиб берилган ва сифатсиз маҳсулот (кўрсатилган хизматлар) етказилган тақдирда қабул қилинмайди ва улар учун тўловлар амалга оширилмайди.

т/р	Маҳсулот (хизмат) номи	Етказиб бериш муддати (давом этиши)	Манзил	Маҳсулотларни етказиб бериш, хизмат кўрсатиш охириги муддати

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛАШ САВДОСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУХРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.